

Тадбиркорлик субъектларида нефт маҳсулотлари ва газдан фойдаланишда ҳамда нефт-газ объектларини (қурилмаларини) монтаж қилиш ва улардан фойдаланишда мунтазам равишда учрайдиган камчиликлар ва уларни бартараф этиш юзасидан

ТАВСИЯЛАР

№	Мунтазам учрайдиган асосий камчиликлар	Бартараф этиш бўйича тавсиялар
1. Нефть, газ ва газ конденсати қазиб чиқарувчи, қайта ишловчи корхоналарда технология талабларига риоя этилишида.		
1	Газни комплекс тайёрлаш ускунаси жиҳозларининг техник ҳолати қониқарсизлиги ва углеводород хом ашёси қазиб чиқариш ҳамда қайта ишлашда белгиланган технология регламентга амал қилинмаслиги.	Яроқсиз ҳолга келган асбоб-ускуна, эҳтиёт қисмларни ўз вақтида алмаштириш, ускуналарга кириб келаётган хом ашёни белгиланган миқдорда етказилишини таъминлаш.
2	Углеводород хом ашёсини қазиб олиш ва қайта ишлаш учун етарли кимёвий реагентлар билан таъминланмаслиги.	Эҳтиёждан келиб чиқиб, талабнома асосида кимёвий реагентларни етарли миқдорда келтирилишини таъминлаш.
3	Ихтисослашган ташкилот томонидан нефть ва нефть маҳсулотларининг, табиий ва суюлтирилган газнинг технологик йўқотиш меъёрлари асосида маҳсулотларни ҳисобдан чиқариш бўйича далолатномаларни расмийлаштирилмаслиги.	Ҳар ой якунига технологик жараёнларда нефть ва нефть маҳсулотларининг, табиий ва суюлтирилган газнинг технологик йўқотишлар ҳолатлар бўйича белгиланган меъёр асосида ҳисоб китоб қилиниб, далолатнома орқали расмийлаштириш.
4	Кимё-назорат лабораториялари фаолияти (ишлаб чиқилган ва тайёр хом ашёни сифат кўрсаткичлари таҳлили, давлат стандартлари, техник шартларга мослиги), таҳлил турлари ва расмийлаштириш тартибига амал қилинмаслиги.	Кимё-назорат лабораторияни талаб даражасида хом ашё сифатини аниқлаш ускуналари ва тегишли кимёвий реагентлар билан бутлаш, ҳамда меъёрий ҳужжатлар талабига мувофиқ таҳлиллар ўтказилишини таъминлаш.
5	Қурилмаларнинг метрологик таъминот ҳолати (метрологик ўлчов воситалари билан тўлиқ таъминланмаганлиги).	Қурилмаларда назорат асбоблари (манометр, ҳарорат ўлчагич, урвономер ва бошқалар) техник соз ҳолатда ишлатилишини доимий назоратга олиш.
6	Қудуқлар, тўплаш жойлари, технологик ускуналар, қувурлар, ёпувчи ва созловчи мосламаларнинг техник носозлиги. Назорат ўлчов асбоблари ва автоматиканинг ишга яроқсизлиги.	Завод томонидан тавсия этилган муддатидан ортиқ даврда фойдаланилаётган ускуна ва яроқсиз ҳолатга келган (кран, задвижка, ҳимоя ва мословчи клапанлар) ускуналарни алмаштириш.
7	Технологик ускуналар ва қудуқларни ингибирлаш, шурфлаш, қалинликни ўлчаш ишлари ва ер ости қувур ўтказгичларни изоляцияси сифатини	Меъёрий ҳужжатларда белгиланган муддатида назоратни таъминлаш ва аниқланган камчиликларни дарҳол бартараф этиш.

№	Мунтазам учрайдиган асосий камчиликлар	Бартараф этиш бўйича тавсиялар
	аниқлаш ишлари белгиланган муддатда олиб борилмаслиги.	
8	Меъёридан ортиқча технологик йўқотишларни ҳисобдан чиқариш.	Завод томонидан тавсия этилган муддатидан ортиқ муддатда фойдаланилаётган ускуналарни таъмирлаш, ревизия қилиш ёки модернизациялаш.
2.Магистрал газ қувурларидан фойдаланиш, газни қабул қилиб олиш ва магистрал газ қувурлари орқали газни ташиш ва тақсимлаш билан шуғулланувчи корхоналарда технология талабларига риоя этилишида.		
1	Магистрал газ қувурлари ҳамда четлаткичлар (отводлар), газ тақсимлаш станциялари (ГТС)даги ёпқич узелларидан газ чиқиш ҳолатларининг мавжудлиги ва ёпқичларнинг яроқсизлиги.	Ишлатишга яроқсиз ҳолга келган магистрал газ қувулари, ёпқичларини белгиланган муддатларида бошқичма босқич алмаштириш.
2	Магистрал газ қувурининг темир йўл ва автомобиль йўллардан ва ҳаводан ўтиш жойларининг техник ҳолати қониқарсизлиги, устки қисми очилиб қолган участкалари мавжудлиги ва уларни текшириш журналида юритилмаслиги.	Қониқарсиз ҳолатдаги магистрал газ қувурларининг ердан чиқиш жойларини изоляциясини янгилаш, усти очилиб қолган участкаларини тупрок билан устки қисмини ёпиш.
3	Меъёрга кўра захира қувурлар ҳамда табелига кўра корхонани авария техникалари билан таъминланмаганлиги.	Меъёрий талабда белгиланган миқдорда қувур захираси билан таъминлаш.
4	Электрокимёвий химоя воситаларининг носозлиги, КС, ГТС ва магистрал газ қувурлари деворларининг қалинлигини ускунавий ўлчаш ишлари белгиланган муддатида ўтказилмаганлиги, қувурларнинг химоя қопламаси яроқсизлиги.	Ишга яроқсиз ускуналарни таъмирлаш ёки алмаштириш, меъёрий ҳужжатларда белгиланган муддатда текширишлар ўтказиш ва аниқланган камчиликларни дарҳол бартараф этиш.
5	Компрессор станциясида газ ҳайдовчи агрегатлар эҳтиёт қисмлари ўз вақтида алмаштирилмаслиги натижасида мажбурий тўхташлар юзага келаётганлиги.	Яроқсиз эҳтиёт қисмларини ўз вақтида алмаштириш.
6	Компрессор станциясида газни ҳаво билан совутиш (АВО) аппаратларининг техник носозлиги. ГТСларда одоризация тизимини ишга яроқсизлиги, газ босимининг ортиб кетишини огоҳлантирувчи автоматик сигнализациялар ишламаслиги. Назорат ўлчов асбоблари ва автоматика ишга яроқсизлиги.	Белгиланган муддатида ревизия қилиш ва яроқсиз эҳтиёт қисмларини алмаштириш.
7	Меъёридан ортиқча технологик йўқотишларга ҳисобдан чиқариш ҳолатига	Белгиланган муддатида ревизия қилиш ва яроқсиз эҳтиёт

№	Мунтазам учрайдиган асосий камчиликлар	Бартараф этиш бўйича тавсиялар
	йўл қўйилаётганлиги.	қисмларини алмаштириш.
3.Ер ости газ сақлаш иншоотида табиий газни қабул қилиш, сақлаш ва магистрал газ қувурларига қайтариб бериш жараёнида технология талабларига риоя этилишида.		
1	Газни ер остига ҳайдаш ва қайта олиш, назорат ва кузатув қудуқларни ҳолати ва технология жараёнларига мувофиқ ишлатилмаслиги.	Тасдиқланган технологик регламентга мувофиқ ишлатилишини таъминлаш.
2	Газ тўплаш пунктларида технологик жараёнлар регламентига риоя этилмаслиги.	Қудуқлардан олинаётган газ ҳажмлари белгиланган миқдорда олинишини таъминлаш.
3	Технологик ускуналари, қудуқлари ва коллекторларни техник ҳолати қониқарсизлиги ва уларнинг электр кимёвий ҳимоя билан тўлиқ таъминланмаганлиги, ёпувчи мосламалар ўзидан газ ўтказиб юбораётганлиги, назорат ўлчов асбоблари ва автоматика ишга яроқсизлиги.	Янгисига алмаштириш ёки таъмирлаш.
4	Газ ҳайдовчи агрегатларида мажбурий тўхташлар юзага келаётганлиги.	Яроқсиз эҳтиёт қисмларини алмаштириш.
4.Газ тўлдириш станциялари (ГТС) ва Автомобилларга газ тўлдириш шохобчаларида (АГТШ) технология талабларига риоя этилишида.		
1	ГТС ёки АГТШнинг ички ҳудудида ўрнатилган технологик асбоб-ускуналар ҳолати яъни, газни ҳароратини ўлчагич ва сифимлардаги суюқлик сатҳини аниқлаш ускунаси (уровномер) ишга яроқсизлиги. Ёпувчи мослама ва ҳимоя клапанларидан газни сизиб чиқиш ҳолати мавжудлиги.	Яроқсиз асбоб ускуна ва назорат ўлчов асбобларини алмаштириш. Ревизия қилиш ва яроқсиз эҳтиёт қисмларини алмаштириш.
2	Қўлланмада суюлтирилган газни ҳисобдан чиқаришга белгиланган бандларини жойидаги ҳолатга мос келмаслиги. Суюлтирилган газнинг ойлик хатловлари ўтказилиши ва хатлов далолатномаларининг қонуний расмийлаштирилмаганлиги.	Қолдиқ газ миқдори хатловдан ўтказилмасдан ҳисобдан чиқарилиши. Жойидаги технологик жараёнларни мукамал ўрганилмаслик натижасида жойида мавжуд бўлмаган йўқотишларга асоссиз газ миқдорини ҳисобдан чиқарилиши.
5.Автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчалари (АГТКШ)да технология талабларига риоя этилишида.		
1	Технологик тизимдаги ёпувчи мосламалардан газни сизиб чиқиш ҳолати мавжудлиги. Назорат ўлчов асбобларининг носозлиги.	Ревизия ва таъмирлаш ишларини бажариш, яроқсиз асбоб ускуна ва назорат ўлчов асбобларини алмаштириш.
2	Кунлик ҳисобот ва белгиланган тартибда асбоб-ускуналарнинг ишчи	Технология жараёнлари талабига мувофиқ ишлатилишини

№	Мунтазам учрайдиган асосий камчиликлар	Баргараф этиш бўйича тавсиялар
	ҳолати ва ишлаш жараёни юзасидан тегишли журналлар тўлдирилмаслиги. Компрессор ускуналарини, адсорберлар ва ГТУларни даврий таъмирлаш ишлари, шохобчада мавжуд жиҳозларда бажарилган таъмирлаш ишларини қайд этиш учун алоҳида китоб юритилмаслиги.	таъминлаш учун асбоб-ускуналарнинг ҳолати ва таъмирлаш ишлари бажарилиши, алмаштирилган эҳтиёт қисмлар тўғрисида тегишли журналларни тўлдириб бориш.
3	Табиий газни ҳисобдан чиқаришда қўлланма асосида амалга оширилмаганлиги натижасида асоссиз газ ҳажмларини ҳисобдан чақарилишига йўл қўйилаётганлиги.	Қолдиқ газ миқдори хатловдан ўтказилмасдан ҳисобдан чиқарилиши. Жойидаги технологик жараёнларни мукамал ўрганилмаслик натижасида мавжуд бўлмаган йўқотишларга асоссиз газ миқдорини ҳисобдан чиқарилиши.
6. Тадбиркорлик субъектларида табиий газдан фойдаланишда.		
1	Корхоналар лавозим йўриқномаларида газдан оқилона фойдаланиш юзасидан талаблар қўйилмаганлиги.	Лавозим йўриқномаларида газдан оқилона фойдаланиш бўйича жавобгарликни белгилаш.
2	Ўрнатилган газда ишловчи қурилмалар ва жиҳозлар тури ва сони, газ ҳисобдонлари тури ва сони, лойиҳаларнинг турлари Техник шарт ва лойиҳадан фарқ қилиши.	Техник шарт ва лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилгандан ортиқча ёки мос келмайдиган газда ишловчи қурилмалар ва жиҳозларни олиб ташлаш. Қўшимча жиҳозларни фақатгина техник шарт ва лойиҳа асосида ўрнатиш.
3	Ишлаб чиқариш эҳтиёжи ва маиший эҳтиёж учун фойдаланилган табиий газ ҳажмлари ҳисоботи алоҳида юритилмаслиги.	Ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун алоҳида, маиший эҳтиёж учун алоҳида газ ҳисоблагичларни лойиҳа ҳужжатлари асосида ўрнатиш.
4	Бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун ёқилғи сарфи меъёрлари ишлаб чиқилмаганлиги ва белгиланмаганлиги.	Мутахассис ташкилотларни жалб қилган ҳолда ёқилғи сарф меъёрларини ишлаб чиқиш ва техник раҳбар томонидан тасдиқлаш.
5	Бир бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун ҳақиқий ёқилғи сарфи меъёрлари белгиланган меъёрлардан ортиқча бўлиши. Табиий газни ёниш жараёнини тўғри ташкил этилмаганлиги ёки режим-карта, технологик-карта, регламентларга риоя этилмаганлиги.	Табиий газдан фойдаланиш билан шуғулланувчи ишчиларни малакасини ошириш. Қурилмаларни режим-карта, технологик-карта, регламентларга риоя қилган ҳолда ишлашини таъминлаш.
6	Газ қурилмаларида режим-созлаш ишлари ўтказилмаганлиги, режим ёки технологик карталарнинг мавжуд эмаслиги.	Мутахассис ташкилотларни жалб қилган ҳолда газ қурилмаларида режим-созлаш ишларини бажарилишини таъминлаш, режим-карта, технологик – карталар ишлаб чиқиш.

№	Мунтазам учрайдиган асосий камчиликлар	Баргараф этиш бўйича тавсиялар
7	Назорат-ўлчов асбоблари билан тўлиқ таъминламаганлиги	Лойиҳанинг Назорат ўлчов воситалари ва автоматика қисмида кўрсатилган назорат-ўлчов воситалари билан тўлиқ таъминлаш.
8	Иссиқликдан иккиламчи фойдаланиш йўлга қўйилмаганлиги.	Иссиқликдан иккиламчи фойдаланишни йўлга қўйишда ёқилғи сарфи меъёрини камайтириш таъминланади. Қурилмани фойдалиқ иш коэффициентини ошади.
9	Ностандарт газ ёндиргичлардан фойдаланиш ҳолатлари.	Сертификатланган газ ёндиргичлари ўрнатиш.
10	Газтаъминоти корхонаси томонидан берилган техник шартда табиий газ етказиб бериш кафолатланмайди, захира ёқилғи кўзда тутилсин шартлари кўрсатилсада захира хўжалиги қурилиши лойиҳалаштирилмаган ва қурилмаган.	Корхонани узлуксиз ишлашини таъминлаш учун захира ёқилғиси хўжалигини қуриш бўйича лойиҳа ишлаб чиқиш ва қуриш.
11	Ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш юзасидан ташкилий-техник тадбирлар ишлаб чиқилмаганлиги.	Ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш юзасидан ташкилий-техник тадбирлар ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.
7. Газ таъминоти корхоналари томонидан истеъмолчиларга табиий газ етказиб берилганда.		
1	Лавозим йўриқномаларида газдан оқилона фойдаланиш юзасидан талаблар қўйилмаганлиги.	Лавозим йўриқномаларида газдан оқилона фойдаланиш бўйича жавобгарлик белгилаш
2	Улгуржи истеъмолчиларни хатловдан ўтказиш ишлари сифатсизлиги. Газ асбобларининг тури ва сони, газ ҳисобдонлари тури ва сони, лойиҳа ва Техник шартга мос келиши назоратга олинмаслиги.	Хатловни тўғри ва тўлақонли бўлишини таъминлаш.
3	Истеъмолчилардан табиий газ учун талабномаларни қабул қилишда ҳисоб-китоблар билан асослаш талаб этилмаслиги.	Табиий газ учун талабномаларни аниқ ҳисоб-китобга асосланган ҳолда қабул қилиш.
4	Назорат-ўлчов асбоблари билан тўлиқ таъминланмаган истеъмолчиларга табиий газ етказиб берилишига, лойиҳадан ортиқча ноқонуний ўрнатилган газ жиҳозларига газ узатилишига, газ тармоқларига ноқонуний уланиш ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги.	Назоратни кучайтириш
5	Берилаётган техник шартларда ўрнатиладиган газ жиҳозлари ва қурилмалари аниқ кўрсатилмаслиги, ностандарт қурилмалар кўрсатилаётганлиги, уланиш нуқтаси аниқ кўрсатилмаганлиги, соатлик, кунлик, ойлик газ сарфлари кўрсатилмаслиги.	Берилаётган техник шартларда ўрнатиладиган газ жиҳозлари ва қурилмалари аниқ кўрсатиш, ностандарт қурилмаларга техник шарт бермаслик, уланиш нуқтасини ва соатлик, кунлик, ойлик газ сарфларини кўрсатиш.

№	Мунтазам учрайдиган асосий камчиликлар	Бартараф этиш бўйича тавсиялар
6	Технологик йўқотишларда газ сарфини аниқ юритилмаслиги.	Технологик йўқотишлар сарфи ҳисоб-китобини амалдаги қўлланма асосида олиб бориш.
8. АЁҚШ ва корхоналарда нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, тарқатиш ва ишлатилишида.		
1	Автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари кўргазмали тарғибот воситалари билан жиҳозланмаганлиги, АЁҚШ жиҳозлари, иш тартиби, нефть маҳсулотларининг чакана нархлари прејскуранти ёзилмаганлиги.	АЁҚШларда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 6 майдаги 240-сонли қарор талаблари асосида фаолият кўрсатиб, қайд этилган камчиликларни бартараф этиш.
2	Автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларидаги ўрнатилган сиғимларнинг тартиб рақами, сақланадиган маҳсулот тури, ўлчаш баландлиги ва ҳажми ёзилмаганлиги.	АЁҚШдаги сиғимларга тасдиқланган ҳажмлағич жадваллари асосида уларнинг тартиб рақами, сақланадиган маҳсулот тури, ўлчаш баландлиги ва ҳажми ёзилиши.
3	Истеъмолчиларга ёнилғи ва мой тарқатиш устунлари ва ёнилғи тарқатиш дастакларида тартиб рақами ва сотиладиган нефть маҳсулотининг тури ёзилмаганлиги, шунингдек ҳар қайси устун ва ёнилғи тарқатиш дастаклари "Ўзстандарт" агентлиги органлари томонидан белгиланган схема бўйича тамғаланганлиги.	ЁТУ ва МТУларини жадвал асосида белгиланган муддатларда "Ўзстандарт" агентлиги органлари билан тузилган шартнома асосида схема бўйича тамғаланиши ва уларнинг тартиб рақамлари ёзиб қўйилиши.
4	АЁҚШда келтирилган нефть маҳсулотларининг тартиб рақами қўйилган, ип ўтказиб тикилган кирим китобини юритилиши.	АЁҚШга келтирилган нефть маҳсулотларининг кирим қилиш китоби рақамланиб, ип ўтказилиши ва раҳбар томонидан имзоланиб, тамғаланиши.
6	АЁҚШда назорат ўлчов воситаларидан 50 ёки 20 литрлик намунавий ўлчагич, метршток, арэометр, намуна олиш воситаси ва сув сезгич пастасини мавжудлиги ва уларни тегишли тартибда "Ўзстандарт" агентлиги кўригидан ўтказилганлиги.	АЁҚШдаги мавжуд назорат ўлчов воситаларини белгиланган муддатларда "Ўзстандарт" агентлиги кўригидан ўтказилиши.
7	АЁҚШда нефть маҳсулотлари сақланаётган сиғимларнинг қопқокларида зичлик таъминланмаганлиги, улар нафас олиш мосламаси билан таъминланмаганлиги, нефть маҳсулотлари сақланаётган сиғимлар очик ранга бўялмаганлиги.	Нефть маҳсулотларини табиий камайиш меъёрларини камайишини олдини олиш мақсадида сиғим қопқокларини зичлигини таъминланиши, нафас олиш мосламаси билан таъминланиши, сиғимларни оқ ранга бўялиши.
8	Шохобча сиғимларида сақланаётган ва тарқатилаётган нефть маҳсулотларига сифат сертификатининг мавжудлиги ва уларнинг сифат сертификатига ҳақиқатда мос келиши.	Нефть база УКларидан АЁҚШга келтирилган нефть маҳсулотларидан тегишли тартибда намуналар олиниши ва нефть маҳсулотларини сифат сертификати талаб этилиши.
9. Тадбиркорлик субъектларида нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, тарқатиш ва ишлатилишида.		
1	Корхоналар томонидан ўз эҳтиёжи учун биржа савдоларидан олинган нефть маҳсулотларини четки ташкилотларга бериш ҳолатлари.	Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сонли ва 2012 йил 26 июндаги 185-сонли қарор талабларига риоя қилиниши.

№	Мунтазам учрайдиган асосий камчиликлар	Бартараф этиш бўйича тавсиялар
2	Автотранспорт, механизм ва тракторларни ўз вақтида техник хизмат кўрсатмасдан ишлатиш, ёнилғи аппаратуралари ва ўт олдириш системалари таъмирланмаганлиги, таъмирлашдан сўнг “обкаткасиз” ва аккумуляторсиз фойдаланиш, қишки даврларда двигателларни очиқ ҳолатда қиздирилиши.	Автотранспорт ва механизмларни белгиланган жадвал асосида ТО-1, ТО-2 техник хизмат кўригидан ўтказилиши уларга аккумулятор қўйилиши ва автотранспортларни қишки даврларда очиқ майдонда сақламаслик.
3	Корхона ва ташкилотларда автотранспорт воситаларидан фойдаланишда ёнилғиларни ишлатилишида белгиланган меъёрлардан ортиқча сарфланиши.	Белгиланган меъёрлардан ортиқча ёнилғи сарф қилиб ишлайдиган автотранспорт воситаларидан фойдаланишни тўхтатиб, меъёрдан ортиқча сарфлаш сабабларини аниқлаш.
4	Фойданланмаган, юрмаган ва носоз спидометрли, мотосоатли автотранспорт, механизмлардан фойдаланилиши, қўшиб ёзилган масофа ва бажарилмаган иш ҳажми нефть маҳсулотлари миқдорларини йўл варақаларига расмийлаштирилиши натижасида асоссиз ҳисобдан чиқарилиши.	Носоз спидометрли, мотосоатли автотранспорт, механизм воситаларидан фойдаланмаслик.